

Бутун ўлкада маориф ишлари тўгрисида жиддий харакат ва самимий фикр олишмоклар кўрулишга бошлади. Бу бизнинг маориф ишлари тарихимизда биринчи даврdir. Бу кунгача бу янглиг асосли суратда музокаралар, фикр олишмоклар кўрулмаган ва маориф ишлари учун кизик мажлис бўлмаган эди, бу кунги тебранишимиз эса бунинг учун кувонарлик холларданdir.

Ўлкамизнинг хар бир шахрида мактаб, маориф деган товушлар эшитилмакка, хар ерда матбуотимиз шу хакда сўз очиб кичкирмокка бошлади. Вакти келганда биз хам шу умумий маориф мухокамаларига котишмок ва ожизона фикримизни арз килмок бўлдик. «Инкилоб» мажмуасининг олтинчи сонида «Шайх ота» ўртокнинг «Умумий таълимни амалга кўйиш мумкинми?» увонли маколаси босилиб ўтди. Маколада маорифимиз тўгрисида баъзи фикрлар баён этилди. Биз «Шайх ота» ўртокнинг маколасини ўкиб чиккач, «бу ўрток ишга ошно эмас экан ва ё билфеъл ишга котишмаган экан» дейишига мажбур бўлдик. Макола муқаддима тарзида эски гаплар билан бошланиб, ўртасида бир неча асоснинг тўгри хал килиниши кераклиги кўрсатиладир ва охирида яримчик холда тугаб, катъий бир натижа берилмайдир.

Биринчи асос масала килиб, «Мактаблар тузишга кандай тип мактаб — шахар мактабими, кишлок мактабими асос килиб олинмоги керак» деган модда кўйилган.

Жавобда хам «бирлик мактаби масаласига шундай маҳкам асос солинганки...» деб нимагадир катъияга берилиб кетадир. Лекин биз «шахар мактабими, кишлок мактабими» деб кетишининг маъносига шахар мактабидан мурод нима ва ўзи кандай мактаб, кишлок мактаби-чи, деб яна савол кўямиз. Бу эса бир муаммо бўлгани каби жавоби хам шу йўсин бўлиб чикадир. Бизда хали хеч бир турли мактаб йўкки, биз уларни бирлаштириб «бирлик мактаби» деб атасак. Сўнгра бизда «бирлик мактаби» масаласи хал этилмаган, факат таржимагина килингандир.

«Бирлик мактаби»дан максад шу бирлашган меҳнат мактаби бўлса, хали бу оврўполик муаллимларнинг ўз эътирофика ўлкамизда бирта хам йўк!

Хол шундай экан, катий ўларок «бирлашган меҳнат мактаби асос килиб олинадир» демак туш кўрмакдир.

Иккинчи асос, деб кўрсатилган кўчма халклар мактабига хам макола эгаси «музокарадан кейин бир гап бўлар» деб айтадир. Бошка асосларига хеч нима демайдир. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи асосларга бир «таълим-тарбия» коидаларига ва ахволнинг мусоадасига караб бўлсин, деймиз. Олтинчи асос хам хал килиш керак бўлган масалаларданdir.

\*\*\*

Бизда мухим ўрин тутадирган масалалардан бири «умумий, мажбурий текин таълим»ни амалга оширишдир. Лекин биз бунга икки турлик монеъ кўрсатамиз:

1. Моддий кучсизлик.
2. Маънавий кучсизлик.

Бунинг устига халкимизнинг ўкишга хаваси сўнганлигини хам кўшсак, монеъ учта бўладирким, бизга колса монеъларнинг энг кучлиги шу кейингисидир.

Агар халкимизга «ўкиш ва ўқитиш» таргибот килинса, бу масалалар енгил хал этилур эди, деб ўйлаймиз. Бу ўкиш дарди сўнганлик тарихини текшириб кетсак, жуда узок

йилларни дарак этамиз, энг оз уч юз йиллаб шу касалга мубталолигимизни мушохада этамиз.

Шунча кўб йиллардан бери кундан-кунга сўнишда давом этиб келган маорифимизни тиргизмак ва бирдан оёкка босдириб юбормок енгил хал этиладурган ишлардан эмасдир. Нечукким, шўролар хукуматининг ўтган йилларидағи тажрибалари шуни кўрсатади.

Бизлар «умумий маориф» тўғрисида ўйлар эканмиз, халкимизнинг кайгусини ер эканмиз, ахволга кўзимизни очиб карамогимиз ва тузук килиб асослар тузишимиз керакдир.

Йўқса, бошка миллатларнинг маорифи билан ўзимизнини ўлчамак, адади бутун ўлкада бир нечадан ошмаган яримталик ибтидоий мактаблар билан бир нарсага хукм этмак тўғри бўлмас.

Шу янгилиш асоссиз, мухокамасиз ишларимизнинг натижасидирким, хеч бир ишимизни хамиша тўғри ва асослик бир йўлга кўя олмай келамиз.

Бир вактлар мактабларни халклаштириш керак, халк билан якин муносабатда бўлмок керак, деб кўб оғиз кўпиртиришдик. Бу кун эса биз бошка айтайликки, шунинг ила сўнган маорифимизни йўлга кўйиб юборган бўлайлик. Биз бундан сўнг бу кунгача бўлиб келганидек «Юкоридан халкка караб окмайлик-да, халк билан бирга юкорига караб интилайлик!» Мана шу йўлгина бизни натижага караб тортар.

Биз энди текшириб кўрайлик.

Бизда эски мактаб — янги мактаб отлари иликкиси турли мактаб бор, тагин айтамиз бизда «кишлок мактаби, шахар мактаби» деган мактаблар йўқ. Бутун ўлкада тахминан эллик (50)дан ошмай турган яримчик, аксарият эътибори билан бузук мактаблар бор. Эски мактабга келгандан булар ёлгиз Самарканд вилоятининг ўзида уч юздан ортиқдир. (Бутун ўлкадаги мактаблар ададини билмогимиз учун «Инкилоб»нинг шундай бир хисоб жадвалини топиб тарқатишни тилар эдик.) Биз мана шу заминда мухокамага киришмогимиз керакдир. Мана шу икки турли мактабни кўзда тутиб бирлашган мактаб ясаймизми, текширилса, маълум бўлар.

Эски мактабимизда ўқитиш йўли или эски «курук васат» усули таълим бўлгони каби янги мактабимизда яримчик (таъбир маъзур кўрилсин) янгидир.

Модомики биз халк билан бирга бормокчимиз, эски мактаблар хам бизга керакдир.

Кўлимида халкнинг эҳтиёжини тамоман коплайтурган кучимиз бўлса эди, уларнинг бизга кераклиги хам бўлмас эди. Хол шу нуктада экан, бизнинг учун икки иш кўндаланг келадир:

1. Замонамизнинг таълим-тарбия конунларига мувофик мактаблар.

2. Умумий маориф мактаблари.

Буларнинг биринчиси хозирги янги мактабларни моддий ва маънавий жихатлардан таъмин этмак билан бўлса, иккинчиси эски мактабларни ислоҳ килиш билан бўлур.

Замонамизнинг таълим-тарбия конунлари турган жойда мактабларнинг ишлари, прўграммаси тўғрисида гапириб ўтириш ортиқдир. Чунки унинг асоси качонлар курилгандир. Шунинг учун биз ёлгиз умумий маориф мактаблари тўғрисида сўз сўзламокчимиз.

Умумий маориф мактабларини хозирдан вужудга чикара бошламок мумкиндири. Аммо басит бир прўграмм тайёрламок керакдир. Бундаги кавоий ва умумий таъбирга мувофик «бирлашган мактаб» шу умумий маориф мактаблари бўлгусидир. Чунки биз мунда янги билан эскини бир ерга жамлаб икки ёрти бир бутун чикара оламиз.

Эскининг дин ва ахлок дарсини, янгининг хисоб ва дунё маълумотини олиб ўкув-ёзувни кўшамиз; эски бўлсин, янги бўлсин муаллим топиб кўлига дарс, дарслклар топширамиз.

Махаллаларда, кишлокларда ва масжидлар кошида ўқитила берадир. Буларнинг таъминотини халкнинг ўзидан олмок хам мумкин, вакфлар билан бажарса хам бўлур. Буни таълим жихатидан идора этиш хам кийин эмасдир. Хар бир ўн мактаб устига бир раҳбар бериб эллик (50) раҳбар тайёрласак, беш юз (500) мактабни идора кила оламиз. Бу умумий маориф мактабларига муаллимларни замон етиштирган кишилардан топмок хам мумкиндири. Шунинг учун бу йўсин мактабларнинг тез тараккий килиши хам умидлиқдир. Сўзимиз охирида шуни хам айтиб ўтамизким, маорифимизнинг бошида ерлик халк маорифини тушуна олатургон кишилар бўлгандагина маориф ишларимизнинг йўлга кўйилиши мумкиндири.

Хозирги ахволда бизнинг ишларимиздан бутунлай бегона шахслар билан бир ерга етиш жуда кийиндири. Агар бизга маориф ишларини тўгридан хам энди йўлга кўймок керак бўлса, асосан тузатмак, бошкатдан курмок керак бўлур.

Бу эса бизнинг дардимиизни англай олгон кишиларнинг иш бошига минишларига мувофиқдир.

Макола «Инкилоб» журналининг 1923 йил 9-10-сонларида босилган.